


“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ўзбекистон саноат - қурилиш банки”
акциядорлик тижорат банки
Кенгаши Раиси

Т. Ишметов

2019 йил “03”

2019/03



“РУЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси Капитал
бозорини ривожлантириш агентлиги
Директори

А. Назиров

2019 йил “19”

ноябрь
Р0844-6



КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки

Идентификация рақами берилди:

К Ц 3 0 6 Р 0 8 4 4 Р 3

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, фоизли, номинал қиймати 1 000 000 (бир миллион) сўм бўлган умумий ҳажми 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм миқдордаги 50 000 (эллик минг) дона корпоратив облигациялар.

Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигациялар сони чекланмаган инвесторлар орасида очик обуна орқали оммавий жойлаштирилади

Облигациянинг ушбу чиқарилиши VI (олтинчи) чиқарилишдир.

Тасдиқланган Банк Кенгашининг “03” октябрь 2019 йил 2019/03 - сон Баённома,
Банк Кенгашининг “03” октябрь 2019 йил 2019/03 - сон Баённомаси асосида.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Шахрисабз кўчаси, 3-уй.
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, 100000, Юнусобод тумани,
Шахрисабз кўчаси, 3-уй.

Мулоқот телефонлари: 71 120 45 07, 71 120 36 25.

Электрон почта манзили: investmentb@uzpsb.uz



А. ВОИТОВ

О. ВОХИДОВ

Сана: 20__ й. “__”

1. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури (оддий, ютуқли, фоизли, фоизсиз (мақсадли) ва ҳоказо): эгасининг номи ёзилган фоизли облигациялар.

2. Ушбу облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз (нақдсиз)

3. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000,0 (бир миллион) сўм.

4. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 50 000 (эллик минг) дона.

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 50 000 000 000,0 (эллик миллиард) сўм.

6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Мазкур чиқаришдаги ҳар бир корпоратив облигация ўз эгаларига бир хил ҳуқуқларни беради.

- Эмитентдан мазкур чиқарилишда назарда тутилган муддатда корпоратив облигациянинг номинал қийматини ва корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор шартларига асосан белгиланган даврларда облигациянинг номинал қийматига нисбатан белгиланган фоизли даромадларни олиш;

- Банк қайта ташкил этилган тақдирда корпоратив облигацияларни муддатидан олдин сўндиришни талаб этиш;

- Банкнинг корпоратив облигациялари чиқарилиши амалга ошмаган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда, Банкдан корпоратив облигациянинг номинал қийматини ва у бўйича мазкур корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор шартларида белгиланган тартибда ҳисобланган фоизни талаб қилиш;

- Иккиламчи фонд бозорида мазкур корпоратив облигацияга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан нархда ўзига тегишли корпоратив облигацияларни облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор шартларига асосан исталган вақтда учинчи шахсга сотиш ва қайта сотиб олиш, ёки қонун ҳужжатларда белгиланган бошқа йўллар билан бошқа шахсга бериш;

- Банк тугатилаётган тақдирда сўндирилмаган корпоратив облигациялар бўйича белгиланган мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми бўйича талабларни депозиторлар ва банкнинг бошқа кредиторлари талаблари қондирилганидан сўнг амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда олиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигациялар сони чекланмаган инвесторлар орасида очиқ оммавий жойлаштирилади. Банк уставига кўра корпоратив облигацияларни жойлаштиришда чекловлар мавжуд эмас.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 2 169 156 019 947,0 сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Илгари жойлаштирилган акцияларнинг умумий сони: 114 166 106 313 дона.

Шундан:

эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – 113 796 106 313 дона.

эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар – 370 000 000 дона.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Банк облигацияларининг I-чиқарилуви 2010 йил 5 март куни P0844-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида давлат рўйхатига олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, оддий фоизли корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 40 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 100 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 4 000 000 000 сўм.

Ушбу чиқарилувга асосан чиқарилган корпоратив облигациялар сўндирилганлиги муносабати билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 28.09.2016 йилдаги 15-07/043-сонли қарорига асосан бекор қилинган.

Банк облигацияларининг II-чиқарилуви 2010 йил 9 март куни P0844-2-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, оддий фоизли корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 60 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 100 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 6 000 000 000 сўм.

Банк облигацияларининг III-чиқарилуви 2010 йил 29 декабрь куни P0844-3-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Ҳужжатсиз (нақдсиз) эгасининг номи ёзилган субординар қарз корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 170 600 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 100 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 17 060 000 000 сўм.

Банк облигацияларининг IV-чиқарилуви 2012 йил 10 август куни P0844-4-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклда, эгасининг номи ёзилган, оддий фоизли субординар қарз корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 100 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 100 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 10 000 000 000 сўм.

Банк облигацияларининг V-чиқарилуви 2014 йил 11 февраль куни P0844-5-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклда, эгасининг номи ёзилган, оддий фоизли қарз корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 10 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 10 000 000 000 сўм.

Ушбу чиқарилишга асосан чиқарилган корпоратив облигациялар сундирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш Агентлигининг 2019 йил 5 апрелдаги 15-09/010-сонли қарорига асосан бекор қилинган.

11. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

Мазкур чиқарилишдаги корпоратив облигациялар сони чекланмаган инвесторлар орасида оммавий усулда (очиқ обуна йўли билан) жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг муддати:

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил давомида жойлаштирилади.

Облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси – қимматли қоғозлар чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот ва қимматли қоғозлар чиқарилишининг шартлари қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилганидан кундан бошлаб 15 (ўн бешинчи) кун ҳисобланади.

Агар облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси дам олиш кунларига тўғри келса, бу ҳолда облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси ушбу кунлардан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

Облигацияларни жойлаштиришнинг тугатиш санаси – ушбу чиқарилишнинг охириги облигациялар жойлаштирилган куни ҳисобланиб, ушбу сана мазкур чиқарилиш давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг тартиби:

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар “Тошкент” Республика фонд биржасида биржа қоидаларида белгиланган тартибда битимлар тузиш орқали амалга оширилади.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй, 2-қават

Тел.: (998 71) 267-37-42, (998 71) 267-35-92

Факс: (998 71) 267-37-42

Электрон почта: info@deponet.uz

Банк облигациялари ҳуқуқларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси ва Инвестиция воситачилари томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда юритилади.

Мазкур чиқарилиш доирасида чиқарилган облигацияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси сифатида “Freedom Finance” хорижий корхона масъулияти чекланган жамияти билан хизмат кўрсатиш шартномаси тузилган.

“Freedom Finance” хорижий корхона масъулияти чекланган жамияти
Манзил: 100084, Тошкент ш., Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 107-Б
Тел: (998 78) 147-75-55
Электрон почта: ffin.uz.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан 2018 йил 22 октябрда инвестиция воситачилиги фаолиятни амалга ошириш учун берилган 1337-сонли лицензияга асосан хизмат кўрсатади. Лицензиянинг амал қилиш муддати чегараланмаган.

11.5. Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар овоз берувчи акцияларига айирбошлаш кўзда тутилмаганлиги муносабати билан жойлаштирилаётган облигацияларни олишда имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги бир дона облигациянинг қимматли қоғозлар бирламчи биржа бозорига бошлангич чиқариш нархи 1 000 000 сўмни ташкил этади. Мазкур чиқарилишдаги облигациялар талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда бозор қийматида жойлаштирилади.

11.7. Облигацияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар учун тўловлар ташкиллаштирилган биржа бозоридан биржа қоидаларига мувофиқ тузиладиган битимлар асосида нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

11.8. Ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан облигациялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу чиқарилувдаги облигациялар умумий ҳажмининг 30 фоизи жойлаштирилмаган тақдирда, облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб ҳисобланади.

Облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Банк облигация эгаларига олинган облигацияларнинг номинал қиймати ҳамда облигация бўйича ҳисобланган фоиз даромадларини мазкур чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 кун ичида қайтарилади.

12. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот:

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот кўзда тутилмаган.

13. Облигациялар муомаласининг тартиби ва муддатлари:

Облигациялар муомаласи уларнинг сотиб олиш ва сотиш, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган, облигацияларнинг эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Облигациялар биржа ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозоридан муомалада бўлиши мумкин.

Облигациялар муомаласи қимматли қоғозлар бозоридан инвесторлар томонидан битимлар тузиш орқали амалга оширилади. Облигацияларга доир битимлар ёзма шаклда амалга

оширилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Уюшган бозорларда облигациялар бўйича олди-сотди битимлари қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг қоидаларига асосан, мазкур қимматли қоғозларга мавжуд бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, амалга оширилади.

Облигацияларга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади. Облигация билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар ушбу облигацияга бўлган ҳуқуқлар ўтган кундан эътиборан олувчига ўтади.

Инвестиция воситачиларида акс эттирилган облигация эгаларининг реқвизитлари ҳаққонийлиги юзасидан (хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, ҳисоб-китоб рақамлари) «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ жавобгар бўлмайди.

Облигацияларнинг муомала муддати – облигациялар жойлаштирилиши бошланган санадан 1 092 (бир минг тўқсон икки) кун. Мазкур муддат фоизларни тўлаш мақсадида ҳар бири 91 кунга тенг бўлган 12 та оралиқ даврларга бўлинган.

14. Облигациялар бўйича сўндириш ва даромадларни тўлаш шартлари.

14.1. Облигацияларни сўндириш шакли (пул воситалари, мол-мулк, айирбошлаш ва хоказо):

Облигациялар сўндирилиши нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали Ўзбекистон Республикаси мўллий валютасида амалга оширилади.

14.2. Облигацияларни сўндириш муддатини ўз ичига олган сўндириш тартиби ва шартлари:

Облигацияларни сўндириш бошланиш санаси облигациялар жойлаштирилиши бошланган санадан 1 093 (бир минг тўқсон учинчи) кундан бошлаб ҳисобланади.

Мазкур Корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига тегишли облигацияларнинг эгалари ўзларига тегишли облигацияларга тўлиқ сўндириш санасигача эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

Эмитент, сўндириш санасига Марказий депозитарий томонидан шакллантирилган облигациялар эгалари реестри асосида пул маблағларини қайтаради. Мазкур реестр Марказий депозитарийдан сўндириш кунидан 5 (беш) банк иш куни давомида олинади.

Пул маблағларини қайтариш муддатлари облигациялар сўндириш кунидан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни давомида амалга оширилади. Тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди.

Облигациялар эгалари реестрида акс эттирилган облигация эгаларининг реқвизитлари ҳаққонийлиги юзасидан (хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, ҳисоб-китоб рақамлари) «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ жавобгар бўлмайди

14.3. Облигацияларнинг ҳар бири бўйича тўланадиган даромадни белгилаш тартиби (даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби, шунингдек ҳар бир купон бўйича тўланадиган даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби):

Облигация эгаси облигациянинг номинал қийматига нисбатан мазкур бандда белгиланган фоизни (фоизли даромадни) олиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир облигация бўйича фоизли даромадни муомала муддати давомида ҳар 91 кунлик оралиқ даврлар учун ҳисобланади ва тўланади. Бунда облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш оралиқ даврларнинг якунига ўрнатилган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигациялар эгалари реестрига асосан амалга

санирилади. 1-чи оралик даврнинг бошланиш санаси облигацияларни жойлаштириш бошланиш санасига тўғри келади, шунингдек кейинги оралик даврларнинг бошланиш саналари тартиб бўйича 92, 183, 274, 365, 456, 547, 638, 729, 820, 911, 1002, 1093-чи кунларга тўғри келади.

Облигация эгаларининг фоизли даромадлари облигациялар муомала даврининг 91, 182, 273, 364, 455, 546, 637, 728, 819, 910, 1001, 1092-чи кунларига ёпилган облигация эгалари реестри асосида тўлаб берилади.

Бунда, ҳар бир оралик давр давомида облигациялар бўйича фоизли даромадлар ушбу даврнинг бошланиш санасига амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси +2 фоиз йиллик ҳисобида тўланиб борилади. "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан муомалага чиқарилган облигациялар бўйича фоизли даромадлар муомалада бўлган оралик даврлар учун тўлаб берилади.

Битта облигацияга 1, 2, 3, 4-чи оралик даврлар учун фоизли даромад қуйидагича аниқланади:

$$D_n = N * C_n * (T - T_f) / 365$$

D_n – облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромад;

N – облигациянинг номинал қиймати;

C_n – тегишли оралик муомала даврнинг бошланиш санасига амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси +2 фоиз, йиллик ҳисобида, n – оралик даврларнинг тартиб рақами ($n=1, 2, 3, \dots, 12$);

T – 91 кунлик жойлаштириш даврларнинг охири санаси;

T_f – ҳисобланган оралик даврдаги, облигациянинг сотиб олинган санаси.

Изоҳ: Оралик давр фоизли даромад миқдори бир тийинга қадар аниқлик билан белгиланади.

Битта облигацияга оралик давр учун фоизли даромад қуйидагича аниқланади:

$$D_n = N * C_n * 91 / 365$$

D_n – облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромад;

N – облигациянинг номинал қиймати;

C_n – тегишли оралик муомала даврнинг бошланиш санасига амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси +2 фоиз, йиллик ҳисобида, n – оралик даврларнинг тартиб рақами ($n=1, 2, 3, \dots, 12$).

Изоҳ: Оралик давр фоизли даромад миқдори бир тийинга қадар аниқлик билан белгиланади.

14.4. Облигациялар бўйича даромадларни тўлаш тартиби ва муддати, ҳар бир купон бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддатини ўз ичига олган ҳолда:

Облигациялар бўйича фоизли даромад ҳар бир оралик давр учун тўланадиган фоизли даромадлардан иборат.

Облигациялар бўйича даромадларни тўлаш мақсадида қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда Марказий депозитарийдан ҳар бир оралик даврининг охири куни якунига қўра шакллантирилган облигациялар эгаларининг реестри олинади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан облигациялар бўйича ҳисобланган фоизли даромадлар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантириладиган облигация эгаларининг реестрида қайд этилган маълумотлар асосида тўланади.

Облигация эгалари реестри ёпилган кундан фоизли тўловлар реестрда қайд этилган облигация эгаларига уларнинг хизмат кўрсатувчи банклардаги реквизитларига 10 (ўн) банк иш куни мобайнида амалга оширилади.

Облигациялар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли даромадлар билан боғлиқ ахборот ўрнатилган тартибда Корпоратив ахборот ягона портали (<https://openinfo.uz>), Банкнинг расмий веб-сайти (<http://www.uzpsb.uz>) ва «Тошкент» РФБ АЖнинг веб-сайти (<http://www.uzse.uz>) орқали конун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор қилинади.

Марказий депозитарийда акс этирилган облигация эгаларининг реквизитлари ҳаққонийлиги юзасидан (хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, ҳисоб-китоб рақамлари) «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ жавобгар бўлмайди.

14.5. Облигацияларни муддатидан олдин сўндириш эҳтимоли ва шартлари, хусусан: муддатидан олдин сўндиришнинг баҳоси (қиймати), облигациялар муддатидан олдин сўндиришга ундан олдин тақдим этилиши мумкин бўлмаган муддат, шу билан бирга эмитент томонидан муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш тартиби:

Мазкур облигацияларни муддатидан олдин сўндириш кўзда тутилмаган бўлиб куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- банк қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган тақдирда;
- банк облигацияларини чиқарилиши амалга ошмаган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳақиқий эмас деб тан олинганда.

Банк облигациялари муддатидан олдин сўндиришда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига облигацияларни ҳаракатсизлантириш ҳамда облигацияларни ҳаракатсизлантириш санасига облигациялар эгалари реестрини тузиш бўйича топшириқнома беради.

Банкнинг облигацияларини муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборотни оммавий воситаларида ўрнатилган тартибда ошкор қилади.

Бунда облигация эгалари маблағлар ўтказилиши лозим бўлган ўзларининг хизмат кўрсатувчи банклардаги асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамлари кўрсатилган ҳолда маблағларни қайтариш тўғрисида ариза билан «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Бу ҳолатларда банк облигация эгаларига облигациянинг номинал қиймати ҳамда облигация бўйича ҳисобланган фоиз даромадларини ариза олинган пайтдан 10 (ўн) банк иш куни ичида тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Қимматли қоғозларни муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборот ўрнатилган тартибда Корпоратив ахборот ягона портали (<https://openinfo.uz>), Банкнинг расмий веб-сайти (<http://www.uzpsb.uz>) ва «Тошкент» РФБ АЖнинг веб-сайти (<http://www.uzse.uz>)га жойлаштириш орқали ошкор қилинади.

15. Эмитент томонидан облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

“Корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор” давлат рўйхатига олингандан кейин қимматли қоғозлар чиқарилишининг шартлари тўғрисидаги ахборот ўрнатилган тартибда Корпоратив ахборот ягона портали (<https://openinfo.uz>), Банкнинг расмий веб-сайти (<http://www.uzpsb.uz>) ва “Тошкент” РФБ АЖнинг веб-сайти (<http://www.uzse.uz>) орқали ошкор қилинади.


Мазкур “Корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор”нинг асли билан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уйда жойлашган Банкнинг Бош офисида, нусхалари билан эса Амалиёт бошқармаси ва барча филиалларида ҳамда банкнинг интернет-сайтида (<http://www.uzpsb.uz>) танишиш мумкин.



Тикилган, рақамланган ва муҳрланган.

Жами 9 (тўққиз) варақ.

Бошқарув Раиси
биринчи ўринбосари


С.С. Аннакличев

Бош бухгалтер


О.Р. Вохидов

